Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 9 апрель, шанба № 72 (21.676). Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА!

Рамазон байрами муносабати билан самимий табригингизни олдим. Самимий истакларингиз учун миннатдорчилик билдираман. Шу муқаддас байрам муносабати билан Сизни чин қалбдан табриклайман ва Оллоҳу таолодан бу байрам халқингизга фаровонлик ва равнақ, ислом оламига шон-шуҳрат ва ифтихор келтиришини илтижо қиламан.

Шайх Заид бин Султон ал НАҲАЯН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Муборак Рамазон ва Наврўз байрамлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига жаҳондаги кўпгина мамлакатлар раҳбарларидан табрик телеграммалари келди. Улар матбуотда эълон қилинди. Табриклар оқими ҳамон давом этмоқда. Жумладан Ҳиндистон Республикаси Президенти Шанкар Даял Шарма ва унинг рафиқаси Шримати Вимала Шарма номидан Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан табрик телеграммаси олинди.

(ЎзА).

Янгиариқ туман пахта заводи қошида кичик корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлганича йўқ. Эндиликда бу ерда сифатли пахта толаси тайёрланиш билан бирга, тикув ва тўқувчилик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Кичик корхонада ҳозирги кунда 90 киши меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Корхона жамоасининг асл мақсади республикамиз иқтисодиёти юксалишига ўз улушларини қўшиш.

СУРАТДА: моҳир гилам тўқувчи Ражабгул Юсупова.

Д. АБДУРАИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни қутлуғ айём — Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг бир йиллиги билан қизғин ва самимий табриклайман.

Қадимдан бир ота-онанинг фарзандлари ҳисобланган ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тарих ва табиатнинг синовларидан матонат, баланд руҳ ва ёруғ юз билан ўтиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу юртда меҳр-муҳаббат, қон-қардошлик, тотувлик теран илдиз отиб қалбларга ғурур ва шукуҳ бахш этмоқда.

Бугун ҳам Сизлар улуғ аждодларингизнинг анъаналарини давом эттириб, мустақил Ватанимиз заминида осойишталикни барқарор этишга, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини авайлаб-асрашга, турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, истиқлолни мустаҳкамлашга ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўшмоқдасиз.

Халқнинг иродасини, хоҳиш-истагини, қолаверса, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттирган Конституциянгиз бундан кейин ҳам сизларни келажаги буюк Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси билан елкама-елка туриб улуғвор ишларга бошлашига, порлоқ келажак сари даъват этишига ишонаман.

Сизларга, азиз ватандошлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, бахту саодат тилайман. Танлаб олинган йўлимизда, улуғ мақсадларга эришишимизда буюк боболаримизнинг ўлмас руҳи ҳамиша ёр, яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

● ХДП: ҲАЕТ БИЛАН ҲАМНАФАС

ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мустақилликнинг бугунги шароитида, яъни иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган, Олий Мажлисга сайловларга тайёргарлик кўрилаётган пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўрни ва вазифаси қандай бўлиши керак? Самарқандда ана шу мавзуга бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар партия кенгашлари биринчи ҳамда иккинчи котиблари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов жамиятнинг бугунги босқичида партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга тўхталди. Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов меҳмонларга вилоятда амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ҳамда ҳокимликлар ўртасидаги яқин муносабатлар хусусида гапириб берди.

Анжуман қатнашчилари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг тарихий обидаларини томоша қилдилар, Амир Темур қабрини зиёрат этдилар. «Сино» музлатгич заводи, «Умар» хусусий фирмаси ишчи-хизматчилари билан учрашдилар. Айниқса, Самарқанд туманидаги Қавчинон маҳалласида бўлган мулоқот кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Бу ерда маҳалла бошланғич партия ташкилотига янги аъзолар қабул қилинди, маҳалла аҳли билан саволжавоблар ўтказилди. Семинар қатнашчилари «Болалар жарроҳлиги» ўқув-илмий бирлашмасида бўлишди ҳамда шифохонага ва Ургутдаги «Саломатлик маркази»га Ўзбекистон ХДП номидан беш миллион сўмдан ёрдам кўрсатилди.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, Ургутга ҳам ташриф буюришди. Кенагас, Ғўс қишлоқлари аҳолиси билан учрашдилар. Тамаки ферментлаш заводи бошланғич партия ташкилоти иши билан танишдилар.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Жалолов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Ургут туман ҳокими Ў. Маҳмадмуродов, вилоят партия кенгашининг биринчи котиби И. Суюнов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова иштирок этдилар.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бухоро вилоят фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мазкур вилоят кенгаши сессиясида ҳамда Тошкентда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашувда ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Раҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маълумки, Президент вилоятда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларни рўй-рост очиб ташлаган эди. Жумладан, ғаллачиликни ривожлантиришга панжа орасидан қаралди, 10 минг гектардан кўпроқ ерга кузги дон экилмай қолди, пахта майдонларини камайтириб кўрсатиш ҳоллари рўй берди.

Йиғилишда вужудга келган аҳволни тезда ўнглаб олиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА).

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ — ИСЛОҲОТДА

Жиззах вилояти ҳокимлиги республика Президентининг 21 январь Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг кейинги қарорларида қўйилган вазифаларни изчил ва тўла амалга ошириш йўлини тутмоқда.

Бунинг учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштиришга, фермер ва деҳқон хўжаликларини кўпайтириб, фаолиятларини яхшилашга, хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликнинг турли шаклларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўтган йили вилоятда 843 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, улар 450 тонна гўшт, 2850 тонна сут ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарган эдилар. Ана шу фермер хўжаликлари сони шу йилнинг сўнгги икки ойи ичида 1069 тага етказилди. Давлат тасарруфидаги 90 та чорвачилик фермасининг 54 таси хусусийлаштирилди. Чорвадор-фермерлар учун 9 минг гектар ер бериш белгиланди.

Эндиликда вилоятда эл-юрт маъмурчилиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ташаббускор фермерлар етишиб чиқмоқдаки, уларнинг иш тажрибалари ўрганишга ва оммалаштиришга арзигулиқдир. Яқинда вилоят ҳокимлиги ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, ҳиссадорлик жамиятлари бошлиқлари, фермерлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қабул қилиш идоралари раҳбарларини Дўстлик туманидаги «Чашма» фермер хўжалигига таклиф этди. «Оқ олтин» ижара ширкат бирлашмасида жойлашган Эгамқул Мавлонов бошлиқ бу фермер хўжалиги молларининг зотдорлиги, маҳсулдорлиги, меҳнатни ташкил этишнинг ўзига хослиги ва юқори даражада механизациялашганлиги билан бошқа фермер хўжаликларидан тубдан фарқ қилади. Таклиф этилганлар оилавий фермерлар иш тажрибаси билан танишдилар. Шундан сўнг улар Пахтакор туманидаги Амир Темур номли ширкатлар бирлашмасига келдилар.

Шуни таъкидлаш ўринлики, вилоят ҳокимлиги жамоат чорвачилигини хусусийлаштириш асосида тармоқда ислоҳотни такомиллаштирмоқда. Бу иш асосан ўтган йилнинг иккинчи ярмида бошланган бўлса-да, ана шу қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Амир Темур номли ширкатлар бирлашмаси чорвачилик фермаси хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, атиги олти ой ичида ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш олдинги ярим йилга нисбатан салкам 100 килограмм ошди, моллар нобудгарчилигига йўл қўйилмади.

Чорвадорларнинг иш ҳақлари кўпайди. Энг муҳими, ҳиссадорларнинг мулкка ва меҳнатга бўлган эгалик муносабатлари кучайди.

Вилоят ҳокими А. Х. Тошкенбоев ана шу икки жамоа иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга бағишланган амалий семинар-кенгашда фермер хўжаликларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, улар сонини кўпайтириш ва давлат тасарруфидаги бошқа чорвачилик фермаларини ҳам тезда хусусийлаштиришнинг йўл-йўриқлари ҳақида гапирди.

Республика қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари Х. И. Исканов фермерлар, ҳиссадорлар ва тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, истиқболлари, улар билан бошқарув идораларининг муносабатлари хусусида тушунтириш ва изоҳлар берди.

К. ЖУРАҚУЛОВ.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти кенгашлари фаоллари ва ҳар иккала вилоят туман кенгашлари ходимларининг ўзаро тажриба алмашиш юзасидан кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Кўргазмали семинар қатнашчилари Қарши даштидаги қатор иншоотларни, чўлга сув етказиб бераётган Қарши асосий канали бўйлаб қурилган насос станцияларини бориб кўрдилар.

Кенгашнинг иккинчи куни ҳар икки вилоят ХДП фаоллари Қашқадарё вилояти маркази — Қарши шаҳридаги қурилишларни, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган иншоотларни бориб кўрдилар.

Ғузор туманидаги Улуғбек номли давлат ижара хўжалигида, Қарши шаҳридаги Қорлиқбағот маҳалласида ташкил этилган зардўзлик цехида ўнлаб ёшларга партия билетларини топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Қарши тумани партия кенгашининг мажлислар хонасида семинар-кенгашнинг якуний йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишга ва иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида партия ташкилотларининг долзарб вазифаларига оид суҳбат-мунозара бўлиб ўтди. Мунозарани ЎзХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Жалолов бошлаб берди.

Кўргазмали семинар-кенгаш якунида ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Қизириқ тумани партия кенгаши биринчи котиби Э. Холиқов, Қарши тумани партия кенгаши биринчи котиби М. Гелдиева, Сурхондарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Эрматов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пўлат ГАДОЕВ.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ФАЗИЛАТ БОБИДА БЕҚИЁС ЗОТ ЭДИ

Бу йил ҳассос адиб, ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намояндаси Абдулла Қодирий таваллудига 100 йил тўлади. Бу тўйга мамлакатимиз миқёсида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бундан беш йил муқаддам ёзувчининг 95 йиллигини нишонлаш ва 100 йиллик тўйига тайёргарлик кўриш ҳақида махсус қарор қабул қилинган эди. Маълумки, ўтган вақт мобайнида мазкур қарорда қайд этилган Абдулла Қодирий хотирасини абадийлаштириш, асарларини нашр этиш билан боғлиқ кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимизнинг энг катта кўчаларидан бирига Абдулла Қодирий номи берилди. Метро бекатларидан бири ёзувчи номи билан аталиб, унинг безаклари Абдулла Қодирий асарлари руҳига мос равишда ишланадиган бўлди.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида адибнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг оҳорий (оригинал) нусхаси нашр этилди. Шунингдек, ёзувчининг бутун ижоди жамланган тўла асарлар тўплами нашр этилиш арафасида турибди.

Ўтган йили республика Вазирлар Маҳкамаси Абдулла Қодирийнинг юз йиллик тўйини нишонлаш ҳақида махсус қарор чиқарди. Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев бошчилигида юбилей комиссияси тузилди. Бу комиссия таркибида идоралар раҳбарлари, ёзувчилар, рассомлар бор.

— Ҳозир энг муҳим вазифа — ёзувчи яратиб кетган боғни уй-музейга айлантириш, — дейди комиссия аъзоси, ёзувчи Тоҳир Малик. У кишининг айтишича, бундай уй-музей қилиш мумкин бўлган жой Ўзбекистонда битта .Бошқа улуғларимизга шундай уй-музей қилиш имконияти йўқ. Негаки, бу ерда Абдулла Қодирий қурган шийпон, уй, боғ сақланиб қолган.

Ҳозир «Ўтган кунлар» фильмини қайтадан суратга олиш бошланди. Энди у кўп қисмли бўлади. Сценарийсини Р. Муҳаммаджонов ёзган, режиссёри М. Афзалов. Шунингдек, романнинг 20 қисмли радиоварианти тайёрланмоқда. Яқин кунларда Ҳамза номидаги давлат академик драма театрида «Меҳробдан чаён» асари қўйилади. «Туронфильм» ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўп қисмли ҳужжатли лавҳа тайёрлаяпти.

Абдулла Қодирий ягона орзу — озодлик умиди билан яшади. Минг таассуфки, ёзувчи муборак кунларга етмади. Бироқ ул табаррук инсоннинг нияти ўзининг юз йиллик тўйи арафасида ижобат бўлди — ватани мустақилликни қўлга киритди. Бу кунларни кўриш адибга насиб этмади... Аммо у қисқа умрида абадиятга дахлдор ишларни қилиб улгурди. У ижоду фазилат бобида беқиёс бир зот эди.

Юсуф ЗИЕД,
ЎзА мухбири.

ҚОЛОҚЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

ЕКИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШДАГИ НУҚСОНЛАР САБАБЛАРИ ХУСУСИДА

Ўзбекистонда 1994 йилда бошоқли дон етиштириладиган майдонларни 750 минг гектарга кўпайтириш мўлжалланди. Очиғини айтганда, кўплаб вилоятларда масала моҳияти чуқур тушуниб етилган ҳолда кузги ғалла экинлари вақтида экиб олинди. Ҳозир жойларда бўлсангиз ўз вақтида экилган ғалла экинлари кўзингизни яшнатади.

Шунга қарамай, ҳукуматнинг муҳим қарорларини бажаришга менсимасдан қараш, уларнинг ижросини таъминлаш ўрнига турли баҳоналар қидириш каби иллатлар ҳамон учраб турибди.

Ўзбекистон Президенти вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан бўлган учрашувда бу ноҳуш аҳволни кескин танқид қилиб, Бухоро вилоятида кузги ғалла майдонларини кенгайтириш амалда барбод қилинганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Самарқанд вилоятида 35 минг гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 22 минг гектар, Жиззах вилоятида ҳам 22 минг гектар майдонга кузги ғалла экилмай қолганлигини афсус билан айтиб ўтди.

Самарқанд республикамизда ғалла етиштириш бўйича етакчи вилоятлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўтган йил кузида 215 минг гектар ерга ғалла экиш топшириғи берилган эди. Аммо атиги 183 минг 467 гектарга уруғ сепилди, холос.

Мен вилоятда ғалла экишдаги камчиликлар, унинг сабаблари билан чуқурроқ танишиш учун у ерга боришдан аввал республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги дон етиштириш бошқармаси бошлиғи Алтух Аббосович Қосимов билан учрашдим. Вилишимча А. Қосимов бу ерда тахминан 25—30 йилдан бери ишлайди. Хизмат тақозоси билан бир неча бор мулоқотда бўлганман. Ҳар гал у зарур маълумотларни бермасликка ҳаракат қилади. Фақат ахборот тариқасидаги рақамларнигина тавсия этади. Ўзингиз учун керакли рақамларни сўрасангиз «унақаси бизда йўқ», деб туриб олади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. 1 апрель куни унинг ларни ҳам биз тайёрлаб берганмиз.

Бироқ вилоятларда бўлганимда вазирликнинг дон етиштириш бошқармасидаги маълумотлар жойлардаги маълумотларга тўғри келмаслигининг гувоҳи бўлдим. Масалан, бошқармадан олинган маълумотдан маълум бўлишича Самарқанд вилоятида кузда 35 минг гектар майдонда ғалла экилмай қолган. Шунинг учун шунча ерга баҳорда уруғ экиш топшириқ қилиб берилган. 1 апрелгача 17 минг гектар майдонга ғалла экилди ва топшириқ 48,8 фоиз қилиб бажарилган. Шу жумладан 8,3 минг гектар суғориладиган майдонга дон экиш мўлжалланган бўлсада амалда экилмаган.

Энди вилоят ҳокимлигидан олинган 28 мартгача бўлган маълумотларга назар ташлаймиз. Унда қуйидаги рақамларни кўриш мумкин: Вилоятда кузда ҳаммаси бўлиб 215 минг гектар ерга уруғ ташланиши лозим эди. Амалда 183 минг 467 гектар ерга ғалла экилди. Экилмаган ерлар 31 минг 533 гектардан иборат. Шу йил баҳорда эса 20913 гектар ерга уруғ сепилган. Қай бирига ишонишни билмайсан киши!

Шундай ҳолни туманларда бўлганимизда ҳам учратдик. Хусусан, вилоят маълумотида Иштихонда ғалла экилиши лозим бўлган 13515 гектар майдоннинг 11606 гектарига вақтида уруғ тушгани, қолган 1909 гектар ернинг 959 гектарига баҳорда дон экилгани қайд қилинган. Туман маълумотида эса, кузда 12620 гектар ерга ғалла экилганлиги кўрсатилган.

Каттақўрғон туманида ғалла ўстириладиган 19670 гектар ернинг 15515 гектарига кузда уруғ тушган. Баҳорда 3711 гектар экилган. Биз биргина «Мойбулоқ» давлат хўжалигида бўлганимизда маълумотдан олдига кириб, ўтган йил кузда энг кўп ғалла майдонлари Самарқанд вилоятида экилмай қолганлигини, шу сабабли агар иложи бўлса, қолоқликка йўл қўйган туманлар номини сўрадим.

— Ундай маълумот бизда бўлмайди, — деди у. — Биз фақат вилоятлар бўйича маълумот тўплаймиз.

— Бошқарма мутахассислари жойларда бўлмаса, ҳақиқий аҳволни яхши билмаса, зарур пайтда амалий ёрдам бермаса, йўл қўйилаётган камчиликлар, ишнинг боришига тўғаноқ бўлаётган иллатлар ҳақида бонг уриб, тегишли ташкилотлар эътиборини тортмаса ундан нима наф?

— Ишимизга сиз аралашманг. Президент ўз маърузасида тилга олган рақамларнинг ҳаммаси виждонига ҳавола.

Аммо нима бўлганда ҳам Самарқанд вилоятида эл ризқи бўлган доннинг катта жой олмаган 200 гектар ерга уруғ баҳорда экилиб у ундириб олинганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунда туманда экилмаган майдон маълумотдаги 444 гектар эмас 244 гектарни ташкил этади.

Бу маълумотдаги чалкашликлар. Ҳукумат томонидан берилган топшириқларнинг бажарилишини таъминлашга масъул бўлган, жойларда аҳволни ўрганиб, зарур ёрдам бериш ва вазият ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим бўлган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги дон етиштириш бошқармаси жамоаси виждонига ҳавола.

Аммо нима бўлганда ҳам Самарқанд вилоятида эл ризқи бўлган доннинг катта ғалла экилиши лозим эди. Ана шунда ҳеч бир эътирозга ўрин қолмасди.

Афсус... Иштихон туманидаги «Зарбанд» жамоа хўжалигида ўтган йили лалми ерларнинг ҳар гектаридан 5,5 центнердан ҳосил олинган. Шунга қарамай, ғаллани кузда экишга мутлақо эътибор берилмаган. Режадаги 2248 гектар ернинг атиги 1150 гектарига уруғ сепилган, холос. Шунинг учун ҳам баҳорда 700 гектардан зиёд майдонга қисқа муддатда уруғ сепишга муваффақ бўлинди. Бу ҳам янги раис Баҳодир Валиевнинг елиб-югуриши натижасида амалга ошди.

Каттақўрғон туманидаги «Андоқ» ширкатлар уюшмасида эса бу борада аҳвол ғоятда ачинарли. Хўжаликда 1993 йилда ҳар гектар лалми ердан атиги 3,3 центнер ҳосил олиб катта зарар кўрилганлигига қарамай, кузда уруғ ташланиши лозим бўлган 1906 гектар ернинг бор-йўғи 660 гектарига уруғ тушди, холос. Баҳорда яна 356 гектар экилди. Шундай қилиб 890 гектар ер бўш қолди.

Биз хизмат сафарида кузда ғалла экилган жойларни ҳам, баҳорда уруғ тушган ерларни ҳам кўрдик. Кузда дон экилган ерларда пайкаллар ям-яшил, экин қаддини тутиб олган. Найча чиқариш арафасида. Агар йил бироз қуруқ келса ҳам ҳосил бериши турган гап. Лекин баҳорги ғалла экинлари униб чиққан бўлса-да майсалар нимжон. Уларга фақат ёғин-сочин кўп бўлиши, яхши ишлов берилиши лозим. Акс ҳолда экилган уруғликни ҳам ололмай қолиш мумкин...

Мен Самарқанд вилоятга ғаллакорлари билан учрашганимда улар албатта бу йил қандай бўлмасин дон тайёрлаш режаларини ошириб бажарамиз, деб ишонч билан айтишди. Илоё айтганлари келсин.

Бироқ ҳамма ерда бўлгани каби вилоят деҳқонларини ҳам ҳосилни қисқа муддатда нобуд қилмай йиғиб-териб олиш муаммоси ташвишлантирмоқда. Сабаби ғалла майдонлари кескин кўпайган бўлсада уни вақтида саранжомлаш учун техника етишмайди. Бизнингча, бу ҳақда ҳокимликлар етарли бўлишини таъминлаш даркор.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЖАҢА КҮН • НОВЫЙ ДЕНЬ • РӮЗИ НАВ • ТӘЗӘ КҮН • ЯНГИ КУН • THE NEW

Жаңы күн

اليوم الجديد

Казакстан

Маълумки, ўтган йилнинг баҳоридан буён Марказий Осиё халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётига қўмаклашувчи «Янги кун» рўзномаси муштаркийлар қўлига етиб бормоқда. Куни кеча мазкур газетанинг қирғиз тилидаги муқобили чиқа бошлади. Қуйида «Жаны кун»нинг дастлабки сонида босилган «Бир сурат тарихи» мақоласини ҳавола этмоқдамиз.

БИР СУРАТ ТАРИХИ

Инсон ҳаётида баъзан оламшумул воқеаларда иштирок этган, тўлқинланиб эслаб юрадиган дақиқалар бўлади.

Қирғизистоннинг биринчи Президенти Асқар Акаевнинг матбуот хизмати раҳбари сифатида мустақил республиканинг ривожланиш жараёнларига, юз бераётган сермазмун воқеалар, кўп ечим — қарорларнинг қабул қилинишига гувоҳ бўлдим. Озод Қирғиз Республикасининг тарихий бурилиш даврига холисона баҳо бериш келажакнинг иши.

Яқин ўтмишни эслар эканман, Марказий Осиё республикаларига тарқалувчи «Жаны кун» — «Янги кун» газетасига бир сурат тарихини баён қилиб беришни жоиз топдим.

Қадрлаб, авайлаб, асраб юрган бу суратнинг орқасига «14 март 1991 йил» деб ёзган эканман. Демак, орадан уч йил елдек ўтиб кетибди...

Ҳа. Ўш шаҳридаги ўша кун ҳамон кўз ўнгимда. Баҳорнинг илк кунлари. Осмон мусаффо. Азалий ва навқирон Ўш шаҳри аҳолиси катта воқеа содир бўлишини сезганлиги туфайли кўчалар одатдагидан гавжум. Яхшилик хабарини кутиб тўлқинланган элнинг гапига қулоқ соласиз: «Акаев келар экан». «Каримов келар экан», — деган шивир-шивир-у, гурунглар эшитилади. Баъзилар ҳатто Горбачевнинг ҳам келиши мумкинлигини айтишар эди.

Ҳамма одамларнинг тилаги яхшилик бўлса-да, Ўш воқеаларининг таъсири ҳали тугамаган. Жабрланган ёки яқин қариндошларидан айрилиб юрган дардман оддий одамларнинг норозиликлари ҳали ўчмаган. Шунинг учун кўчаларда қора ёпинган, норозилик билдириб қўлларини пахса қилувчиларни ҳам учратиш мумкин эди.

Қийин шароит...

Лекин Ўш диёрининг аҳолиси — қирғизми, ўзбекми ёки бошқа миллат вакилими, фақат тинчликни, тотувликни қўллаб турган вақт. Илгаригидек аралаш бўлиб эркин яшашни, тинч ва барқарор ҳаётни қайтадан изга туширишни ўзларининг раҳбарларининг курашчанлиги ва дадил ҳаракати зарур эди. Бу биринчидан.

Иккинчидан, СССРнинг таркибидаги республикалар мустақил давлатларга айланиб, ўз тақдирини ўзи белгилашга интилаётган эди. Ёш давлатларнинг тушови олиниб, ўз йўлларини ўзлари танлаётгани сабаб айрим давлатлар, айниқса, қўшни давлатлар тарихий тақдирларининг бирлиги эътиборга олиниб иккиёқлама келишувлар имзолай бошланган вақт.

Мана шундай вақтда мустақил Ўзбекистон ва мустақил Қирғизистон давлатлари дўстлик ва қардошлик алоқаларини ривожлантириш, икки томонлама келишувларга имзо чекиш учун Тошкентда эмас, Бишкекда эмас, айнан Ўш шаҳрида учрашув ўтказгани уларнинг қурашчанлиги ва сиёсий шароитни тўғри баҳолаши ифодаси бўлди.

Агар икки республика етакчилари Ўшга келаётган пайтда қора кийиниб, норозилик билдирганлар кўпроқ кўринса, улар қайтиб кетаётган пайтда гул ушлаб қўлларини силкитиб суюнишган одамлар кўпайди. Ярим доира бўлиб гурунглашаётган қўшниларни кўришнинг ўзи қанчадан-қанча қувонч бахш этарди...

Давлатлараро иккиёқлама келишув имзолангандан кейин икки ҳурматли Президентни матбуот конференцияси залига таклиф этдим. Протокол бўйича мен икки Президент ўртасига ўтиришим керак эди. Лекин суратга қарасангиз протокол талаби бузилганлигини англайсиз. Нима учун? Икки Президентнинг ўша пайтда бир-биридан ажралгиси келмаганлиги учун деб айта оламан.

Ўш шаҳридаги ўша кунги воқеаларнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини шундан билинг: Тошкент, Бишкек шаҳарларидан, Москвадан келган журналистлар, фотомухбирлар, телеоператорлар тинчимайди. Расмга туширишга бироз мухлат берилгандан сўнг матбуот конференциясини очиқ деб эълон қилдим.

Менинг ошқора таъсирланишим Президентларга ҳам ўтди чамаси. Асқар Акаевнинг ҳам биринчи маълумот берганида овози бироз қисилиб чиқди. Тўғрисини айтсам, мени ҳаяжон босаётгани Президентларга сезилаётганини кўрганимдан кейин ўзимни босишга ҳаракат қилдим. Президентлар ҳам ҳаяжонланар экан-у, деб ўйлайман ичимда.

Имзоланган ҳужжатлар, учрашувлар якуни тўғрисида ахборот беришганидан сўнг Президентлар журналистларнинг саволларига жавоб беришиб, зал билан яхши алоқа боғланди.

Бир пайт А. Акаевнинг қўриқловчи йигитлар бошлиғи орқамдан келиб қулоғимга шивирлаб қолди: «Каримовни Горбачев телефонга чақиряпти». Шивирлади-ю, мен аниқлаб сўрагунимча у кетиб қолди. Ана холос! Айтилган хабарнинг маъноси миямга етганча шошиб, оғир аҳволга дуч келдим. «Матбуот конференциясини тўхтатсаммикан?» — деб ўйладим. Микрофонга оғзимни яқинлаштириб бориб тўхтаб қолдим. Мен Горбачев деса жон ҳолатга тушиб қолгандим. Осонми, кимсан СССР Президенти, КПСС Марказий Қўмитаси Бош котиби!

Олдимдаги оқ қоғозга «Ислом Абдуғаниевич! Вас вызывает к телефону Михаил Сергеевич» — деб ёзиб секин силжитиб қўйдим. Ислом ака қоғозни кўзининг қири билан қараб ўқигандек бўлди, Лекин лом-мим демади. Мухбирларнинг саволларига жавоб бериб сир бой бермади. Юзларида ҳам заррача ўзгариш сезилмади.

Мен икки ўтнинг ўртасидаман. Ёзувимни ўқий олмадимикан? Ўқисада тушунмадимми? У ёқда телефонда СССР Президенти кутаётган бўлса, мен индамай ўтирсам нима деган гап? Нима қилсам экан?

Тушунмай қолган деб ўзимни ишонтирдим. «Вас вызывает к телефону Михаил Сергеевич», — деган ёзувнинг тагига катта ҳарфлар билан «Горбачев!» деб ёздим. Энди назари тушсин, деб яна ҳам яқинроқ суриб қўйдим.

Ислом Абдуғаниевич менинг ёзганимни боя пайқаган шекилли, шарт бурилиб сўради:

— Где?

— У первого секретаря обкома, — шундай жавоб бердим. Ҳақиқатан, бошқа қаёққа чақириши мумкин?

Жавобимга қониқмагандек, норози оҳангда яна:

— Кто? — деб сўради.

— Ребята с охраны, — деб бурчак тарафни кўрсатдим.

Бир зум орамизда жимлик пайдо бўлди. Бу жавобим И. Каримовга қандай таъсир этди, билмадим, лекин ҳеч қандай сир билдирмади. Залга тикка қараб туриб мен учун қутилмаган жавобни айтди:

— Сначала закончим пресс—конференцию!

Менда бу жавобга норозилик уйғонди. Ахир Генсек чақиряпти-ку!..

Ўшандан буён уч йил ўтди. Кучли инсон Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўшандаги жавоби обдон тўғрилигига мен бора-бора тушундим.

Чунки мустақил икки давлатнинг раҳбарлари икки томонлама ҳужжатларга имзо чекишиб, энг биринчи матбуот конференциясини ўтказишаётган эди. Бу учрашувга фақат ўзбеклар билан қирғизларгина эмас, кўп миллатлар кўз тикиб туришган эди.

Матбуот конференцияси белгиланган вақтда тугаганидан кейин И. Каримов партиянинг Ўш обкомининг биринчи котиби хонасига бориб Москва билан, М. С. Горбачев билан гаплашиб келди. «Дўстлик келишувини имзолаганлигимиз учун табриклаб қўйишни сўради», — деб қўлимизни олиб чиқди...

Уч йилдан кейин Бишкек шаҳрида И. Каримовга Халқаро «Руҳоният» уюшмасининг «Халқлар орасидаги тинчлик ва дўстликни ривожлантиргани учун» мукофоти топширилди.

Акбар РИСҚУЛОВ.

МУСТАҚИЛ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

Қорақалпоқ тупроғида бугун катта байрам. Халқ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси кунини нишонлаяпти. Республикамиз Олий Кенгаши 1993 йил 9 апрелда тарихий қарор қабул қилди, Қорақалпоғистон Республикасининг биринчи бор мустақил қомуси эди бу.

Ана шу шодиёнанинг бир йиллигини кенг нишонлаяпмиз.

Асосий Қомусимизнинг биринчи бандида шундай ёзилган: «Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибидаги мустақил демократик республикадир». Бу қуруқ гапмас. Унда юртимиз келажаги кафолатланган.

Ҳозирда бизнинг бош вазифамиз республикамиз иқтисодиётини кўтариш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. Шу йўналишда бизда кўп ишлар қилинмоқда. Бозор иқтисодиётининг илк босқичи даврида юртдошларимизга енгилликлар берилди. Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Ер тўғрисида, хусусийлаштириш, фермер хўжалиги, корхона, акционерлик жамияти, ижара, кооперация, ташқи иқтисодий алоқа ва ҳоказолар тўғрисидаги қонунлари халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мол-мулкни хусусийлаштириш оммавийлик касб этмоқда. Ўтган йилдаёқ 2400 дан зиёд маҳаллий саноат объекти, савдо, маиший хизмат ва бошқа халқ хўжалик корхоналари хусусийлаштирилди.

Тадбиркорларга имконият берилгани туфайли республикада 850 га яқин кичик корхона, ширкат фаолият кўрсатяпти.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қиляпмиз. 99 фермерни хусусий жамоа хўжалигига бердик. Мингдан зиёд фермер хўжаликлари озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ўз улушини қўшяпти.

Яхши тушунамиз, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш республика иқтисоди ривожига таянч бўлмоғи зарур. Бунинг учун мулкдор эмин-эркин фаолият кўрсатмоғини таъминлаш шарт. Биз шундай қиляпмиз.

Аниқки, ҳар қандай янгиликни ҳам давлат қўллаб-қувватлаб, изга тушмайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ишбилармонларга қанот берди. Шунга биноан биз ҳам деҳқон-фермер хўжаликларига қўшимча 14 минг гектар ер, 21400 тонна дизель ёнилғиси, 8200 тонна автомобиль бензини ажратдик.

Бундан ташқари республикамиз ҳудудида хорижлик биродарларимиз кўмагида ишлаб чиқариш корхоналари қуряпмиз. Бу қорақалпоқ саноати маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш имкониятини беради. Қарийб бир йилдирки Нукусда Туркиянинг «Язекс» қўшма тўқимачилик комплекси қурилиши кетяпти. У ишга тушса йилига 20 миллион АҚШ долларидан зиёд қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундай турдош корхоналардан бири яқинда Элликқалъада иш бошлайди. 50 миллион долларли газмол ишлаб чиқаради.

Охирги йиллардаёқ Қорақалпоғистонда 368 километрли водопровод линияси қурилди. Биздаги, Марказий Осиёда энг йирик «Туямўйин — Нукус — Чимбой — Тахтакўпир» сув иншоотининг узунлиги 355,7 километрдир.

Орол бизнинггина эмас, бутун жаҳон муаммоси даражасига кўтарилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари, Россия Федерацияси делегациясининг Нукус учрашуви фикримиз далилидир.

Мустақиллик туфайли бизда ишонч катта. Бахтимиз Қомуси келажак йўл-йўриқларимизни ҳуқуқий асос бўлиб ёритар экан, Қорақалпоғистон Республикаси қудратли, халқимиз бой бўлиб бораверади.

Уббиниёз АШИРБЕКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси.

• *Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг кўчма мажлисидан*

«ПАРТИЯ ЎЗ СИЁСИЙ ЙЎЛИНИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВ ЖАМОАТ ОРГАНЛАРИГА САЙЛАНГАН ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ОРҚАЛИ ЎТКАЗАДИ».

(Ўзбекистон ХДП Дастуридан).

АГАР КУЧЛАР БИРЛАШСА

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН КЕНГАШИ ВА ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОР ИШЛАШМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман ташкилоти ва туман ҳокимлиги қўплаб муҳим масалаларни, шу жумладан кадрлар масаласини биргаликда ҳал этиб ўзаро жипс бўлиб ишламоқдалар. Бу ерда ҳамкорликнинг шундай амалий тажрибаси тўпланганки, уни бошқалар учун ҳам ибратли дейиш мумкин. Шу боисдан ҳам Тошкент шаҳар партия кенгаши бу тажрибани пойтахтдаги бошқа туманлар партия ташкилотлари мулкига айлантириш учун шу масалага бағишланган шаҳар кенгаши ижроия бюросининг кўчма мажлисини Мирзо Улуғбек туманида ўтказди. Мажлисни пойтахт партия кенгаши биринчи котиби Ш. Шоисломов олиб борди.

Анжуманда ўзаро ҳамкорлик тажрибасини ўрганиш учун махсус тузилган комиссия фаолият кўрсатди. Комиссия раиси ЎзХДП Чилонзор тумани кенгаши биринчи котиби Х. Эшонхўжаев партия ходимлари, ҳокимликлар вакиллари ҳузурида маъруза қилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институти бўлим мудири, иқтисод фанлари доктори С. Воҳидова қўшимча маъруза қилди. Шунингдек, Мирза Улуғбек туман кенгаши биринчи котиби С. Содиқованинг ҳисоботи ҳам тингланди. Шундан сўнг Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Файзуллаев, шаҳар кенгаши ижроия бюроси аъзолари — «Миконд» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. Иванов, Ҳамза тумани маҳалла қўмиталари ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Н. Ҳасанов, Гулистон маҳалласи оқсоқоли С. Оқмирзаев, Тошкент тиббиёт институти ректори, профессор Т. Даминов, шаҳар кенгаши иккинчи котиби В. Медведев ва бошқалар муҳокама қилинган мавзуни тўлдирдилар.

Йиғилишда таъкидланишича, туман кенгаши маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларида кадрларни танлаш ҳамда тавсия қилиш ишида фаол қатнашмоқда. Бу борада партия кенгаши туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, турли поғонадаги депутатлар, корхоналарнинг раҳбарлари бўлмиш ХДП аъзолари билан мунтазам ҳамкорлик қилади. Ижроия бюро қисқа муддат мобайнида 11 нафар партия аъзосини раҳбарлик лавозимига тавсия қилди. Улар орасида туман ҳокими Ш. Мирзиёев ,унинг ўринбосарлари, ҳокимлик тизимидаги бир қанча бўлинмалар раҳбарлари, туман фахрийлар кенгаши раиси А. Зоировлар бор.

Ҳокимликда ва туман кенгашида у ёки бу масъул лавозимга кадрларни танлаш ва тавсия этишда инсоннинг ишчанлик ҳамда ахлоқий хислатлари ҳисобга олиниши керак. Бу ўринда ҳам номзод ҳақида жамоанинг фикри алоҳида назарда бўлади. Шу маънода кичик корхона директори В. Ястребовнинг «парвози» эътиборлидир. Туман кенгаши ва ҳоким бу билимдон, ташаббускор мутахассисни ўз вақтида илғашди. У иқтисодиёт ва статистикани мувофиқлаштириш туман бошқармаси раҳбарлигида кўпроқ наф келтириши мумкин деган хулосага келишди. Йиғилишда В. Ястребовнинг хизмати туманда аҳоли банд-лиги муаммоси муваффақиятли ҳал этилаётганлигидадир, деб таъкидланди. Тилга олинган бошқарма таркибида турли ихтисосликдаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланадиган яхлит дастурли «Вақт» кичик корхонаси тузилди.

Бир йилга етмасдан бу ерда уч мингдан зиёд киши, асосан ёшлар қисқа муддатли курсларда ўқитилди ва диплом соҳиби бўлишди. Кимдир бухгалтерлик ихтисослигини олди, бошқа бировлар ойнаи жаҳон устаси, ЭҲМ бошқарувчиси ҳунарини эгаллади. Кўпчилик ўқишдан кейин туман ташкилотларига ва корхоналарида ишга жойлашишди. Мазкур курсда ногиронлар ва кам таъминланган оилалардаги ўсмирлар бепул ўқитилди.

Ҳамкорлик шакллари ранг-баранг бўлиб, у муттасил такомиллашиб боради. Чунончи, ҳокимлик, корхоналар ва муассасалар раҳбарларининг туман кенгаши ижроия бюросида ҳисоботини тинглаш ва фаолиятига баҳо бериш йўлга қўйилган. Ўз навбатида ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимлик бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари туман кенгаши пленумларида, раҳбар-партия аъзолари ҳисоб берган ижроия бюро йиғилишлари, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида иштирок этадилар. Туманда Ўзбекистон мустақил ишлаб чиқариш бирлашмаси, бошқа корхона ва муассасалар санаб ўтилди. Бу ўринда янги партия аъзоларини қабул қилиш бўйича аниқ ва режали ишни йўлга қўймаган туман кенгаши ҳам танқид қилинди.

Қуйида мажлис давомида билдирилган айрим мулоҳазаларни келтириб ўтамиз.

Н. ҲАСАНОВ: Раҳбар лавозимига тавсия қилиш пайтида ўша шахс ҳақида маҳалла аҳолиси, биринчи навбатда қўшнилари фикрини ҳисобга олиш керак деб ўйлайман. Масъул лавозимга қўйилаётган кишининг инсоний хислатлари ҳақида улар яхши биладилар.

В. ИВАНОВ: Ҳокимлик ва туман кенгаши саноат корхоналарига, умуман хўжалик ишларига эътиборни қаратишлари зарур. ХДП аъзолари билан бир қаторда ҳар қандай истеъдодли ва тажрибали мутахассисларни ҳам тавсия этиш керак.

С. ВОҲИДОВА: Бугунги кунда хоҳ завод цехларида, хоҳ маҳалла ёки хонадонда бўлсин, одамлар билан ишлашга эътиборни кучайтириш лозим. Партия ишини муаллақ вазиятда эмас, балки ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимлик тизими билан жипс ҳолда йўлга қўйиш керак.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда ана шу таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинди. Кўчма мажлис унинг барча қатнашчилари учун яхши мактаб вазифасини бажарди.

И. АХМЕТОВ.

ЁШЛАР УЮШМАСИ

Халқаро «Экосан» жамғармасининг ташкил этилганига яқинда икки йил тўлади. Экология ва саломатлик муаммоларини ҳал этиш йўлида фаолият кўрсатаётган жамғармани бугун хорижда ҳам яхши билишади. Жумладан, биргина АҚШда унинг 7 та бўлими иш олиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

Жамғарма президенти, фалсафа фанлари доктори Юсуф Шодиметов Хоразм, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон вакиллари билан учрашувда олиб борилаётган ишларга ёшларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, юртимизни ёшлар мамлакати десак лоф бўлмас. Чунки, аҳолининг 50-60 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Учрашувда «Экосан» қошида ёшлар уюшмаси ҳам таъсис этилди. Экология соҳасида ибратли ишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчи Фарҳод Собиров, Қорақалпоғистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби Турғунбек Ўрозбоевлар уюшманинг ҳамраислари этиб сайландилар.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон» овози» мухбири.

• *Янги китоблар*

«ҲИДОЯ. МУСУЛМОН ҲУҚУҚИГА ШАРҲЛАР»

«Ўзбекистон» нашриёти Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя. Мусулмон ҳуқуқига шарҳлар» номли тўрт жилдлик асарининг биринчи жилдини босмадан чиқарди. Асарни ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал САЙДОВ нашрга тайёрлаган. Таниқли олим кириш сўзи, шарҳлар ёзган, масъул муҳаррирлик қилган.



Истиқлол шарофати туфайли сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий уйғониш даврига қадам қўйдик, миллий ўз-ўзлигимизни англай бошладик. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантирмоққа киришдик, кўҳна ва бой тарихий меросимизнинг ўқилмаган саҳифаларини варақлай бошладик.

Шарқ—жаҳон цивилизациясининг бешигидир. Шарқ уйғониши, уни мусулмон Ренесанси деб ҳам атайдилар, IX—XII асрларга тўғри келади. Шарқ уйғониши намояндалари жумласига мовароуннаҳрлик буюк ватандошларимиз ҳам кирадилар. Улар улкан тарихий, маданий, ҳуқуқий мерос қолдирганлар. Шу меросни ўрганиш, уни кенг халқ оммасига етказиш, ўзини ватанпарвар, миллатпарвар деб ҳисобланган ҳар бир ўзбек зиёлисининг инсоний бурчидир.

«Ҳидоя. Мусулмон ҳуқуқига шарҳлар» шунинг мевасидир. У кенг жамоатчиликка инъом этилди.

Асар муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиноний — буюк ҳуқуқшунос. Машҳур фақиҳ 1123 йил 23 сентябрда Марғилонда таваллуд топган. 74 ёшида вафот этган. Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодлари кўзга кўринган мусулмон қонуншунослари бўлганлар. У ҳам оилавий анъаналарни давом эттирган. Мусулмон илмларини чуқур эгаллаган. Ўз замонасининг энг кўзга кўринган мударрисларидан сабоқ олган. Ҳадислар илмини ватандошимиз буюк муҳаддис Имом Абу Исо ат-Термизийнинг ҳадислар тўпламларидан ўрганган.

Мусулмон дунёсида тан олинган «Ҳидоя» асарини Бурҳониддин Марғиноний 1178 йили Самарқандда ёзган. Бу буюк асарни яратишда Бурҳониддин Марғиноний Қуръони Карим, ҳадиелар, дастлабки тўрт халифа саҳобаларининг ривоятларига, сунний шариати асосий мазҳаблари — ханафия—моликия, шофеия, ҳанбалия—асосчилари Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеий, Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг йирик асарларига, уларнинг шогирд ва издошлари асарларига таянган.

«Ҳидоя»да мулкий ва молиявий муносабатларга жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалаларга кенг ўрин берилган. Бундан ташқари унда урушлар, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш ва фаолиятдаги таъқиқлашлар, ижозатлар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилади.

МАҲАЛЛАНГ ТИНЧ—КЎНГЛИНГ ТИНЧ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Чуқурқўприк» маҳалласи тарихига назар ташлар эканмиз, унинг 1886 йили «Шотияк» (Яккачўп), 1913 йилга келиб эса Самарқанд Дарвоза номи билан юритилгани ва Чорсуни боғлаб турувчи кўприк қурилганининг шоҳиди бўламиз. 1920 йилда Акром Эшон ва маҳалла аҳлининг саховати туфайли кўприк қайта таъмирланди. Шу муносабат билан унга «Чуқурқўприк» номи берилди.

Шу кунгача маҳаллада талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Ободонлаштириш, хонадонларга газ ва телефон ўтказиш, кўчаларга асфальт ётқизишда маҳалла қўмитасининг раиси Хислат ака Содиқовнинг хизматларини «Чуқурқўприк» аҳли яхши билади. Унинг очиқ кўнгил, камтарлик хислатларини ҳурмат қилади.

Қисқа вақт ичида маҳалла фаоллари ва оқсоқолларининг жонбозликлари туфайли маҳалла масжиди ва клуби ҳашар йўли билан қайта таъмирланди. Янги озиқ-овқат дўкони ҳамда маҳалла идораси қурилди, телефонлаштирилди. «Захариқ» қабристонида кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Маҳалла ҳудудида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида нон ва макарон цехлари, автомобиллар баллонларини таъмирловчи вулканизация қурилиб ишга туширилди. Ёшларга спорт майдони армуғон қилинди.

Маҳаллада тўю-маъракалар ўзаро бамаслаҳат, кўпни кўрган оқсоқолларнинг маслаҳат-тавсиялари асосида ўтказилади. Ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмайди.

Донишмандлар — «Маҳалланг тинч—юртинг тинч» деб бежиз айтишмаган. Мазкур маҳалла аҳлига Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳамда ХДП туман кенгаши яқиндан кўмак бериб, ўз имконятларидан келиб чиққан ҳолда муаммо ва камчиликларни ижобий ҳал этмоқдалар. Яқинда «Чуқурқўприк» маҳалла қўмитасининг мажлиси бўлиб, унда маҳалла бошланғич партия ташкилотининг роли, ўрни ҳақида сўз борди. Мустақил Ўзбекистонимиз ривожланишида партия аъзоларининг хизмати, ғайрати ва шижоати хусусида гапирилди. Мажлисда 8 нафар киши партия сафига киражаги тўғрисида фикр билдирди. Маҳаллада Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузилди. Ҳозир 16 киши ХДП аъзосидир. Унга М. Ҳошимова бошчилик қилмоқда. Бошланғич ташкилот маҳаллий аҳолининг асосий суянчиги ва маслаҳатчисига айланиб бормоқда.

Маҳалланинг «Отахонлар» чойхонасида тез-тез турли мавзуда суҳбатлар уюштириб турилади. Унда маҳалланинг фаол аёллари ҳам иштирок этмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ўзига хос кўзгусидир. Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, бой қадриятларимиз маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАИЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• БУГУН—АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

СОҲИБҚИРОННИ ТАНИШ

Юлий Цезарь кучли нотиқ бўлмаганида буюк саркарда бўлармиди? Клеопатра гўзал бўлмаганида Мисрнинг аҳволи не кечарди? Бобур тахтга ўтирганида ўн икки ёшда бўлмаганида-чи? Буюк бобурийлар давлати қаердан барпо бўларди?

Паскаль Клеопатранинг бурни бироз қийшиқ бўлганида инсоният тарихи бутунлай бошқа йўлдан кетиши мумкин эди, деганида албатта, тарихнинг Клеопатра бурнига қай даражада дахлдорлиги хусусида эмас, балки аксинча Клеопатра бурнининг қай даражада тарихга дахлдорлиги хусусида гапирган.

Лекин 1941 йил июнь ойида темурийлар хилхонаси очилишидан бир неча кун олдин бу воқеадан хабар топган нуроний чоллар шу иш билан шуғулланаётган комиссия аъзолари олдига бир китоб кўтариб келиб, китобда ёзилганидек, Амир Темур руҳи безовта қилинса, уруш бошланиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирганларидан сўнг, айни Амир Темур хоки паймол қилинган 21—22 июнь кунлари уруш бошланганлигини билганда Паскаль бунга қандай изоҳ берар эди? Жумладан, табиатда нимаики бўлмасин, барчаси тарихга дахлдор ва улар ўртасида шундайин бир чамбарчас боғлиқлик борки, жами жисмлар ва воқеа-ҳодисалар ҳар бир маконнинг замон минорасига чиқиб, мозийни кузатиши учун бир пиллапоя ролини ўтайди.

Ўша экспедицияда иштирок этган талаба М. Массоннинг шогирди Альбаум Лазерь Израильевич темурийлар ҳоки қайта қабрларига қўйилганда урушда бўлган. У қайтиб келганимдан сўнг экспедиция аъзоси антрополог-ҳайкалтарош М. М. Герасимов билан учрашганимда у менга «Биз Темур ҳокини жойига қўйдик, шунинг учун уруш тугади» деган эди, дейди. Дарҳақиқат, бир ярим йил ўтгандан сўнг, Темур ҳоки жойига дафн этилган кунлар Иккинчи Жаҳон урушида тарихий туб бурилиш юз берганди. Бироқ, бизга М. Герасимовнинг қай даражада самимийлиги қоронғу. У ҳақиқатан ҳам Буюк Темурнинг буюклигига имон келтирганми? Менимча, қайта дафн этиш маросимининг тўлиқ адо этилмаганлиги бу гапларнинг маълум даражада киноя ва истеҳзо эканлигига асос эмасмикан.

Ҳар бир ишнинг меваси унга бўлган муносабатданоқ маълум. Тутуннинг аччиғини мўри билади, дейди халқимиз. Авваламбор, Самарқанддаги темурийлар хилхонасини очиш 1941 йилда ўтказилиши, «улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан, аллома яшаган давр тарихини янада чуқур ўрганиш ва тарихий манбалар тўғрилигини яна бир карра текшириб кўриш учун қилинган тадбир» эканлиги тўғрими? Навоийнинг ҳаёти темурийлар хилхонасига шунчалик даражада боғлиқмиди? Бу маросимни кимлар уюштирган ва бундан қандай манфаатлар қидирганлар?

Тарихий ҳужжатларга қараганда экспедиция раҳбарлигига тайинланган Т. Н. Қори-Ниёзий ва яна айрим аъзолари етиб келгунга қадар М. М. Герасимов илгарироқ келган экспедициянинг бошқа аъзолари иштирокида мажлис ўтказиб, ишларни бошлаш арафасида бўлган. 16 июнь куни экспедициянинг барча аъзолари йиғилгандан сўнг Гўри-Мир мақбарасидаги қабрларни қайси тартибда очиш тўғрисида баҳслашиб қолишади. М. М. Герасимов Гўри-Мирга дафн қилинган ҳамма қабрларни очишни таклиф қилади. Археолог В. А. Шишкин эса ҳукумат экспедицияси (урғу муаллифники — Б. П.) асосан, Темур ва темурийлар қабрларини ўрганиши лозимлиги, ҳамма қабрларни очишга эса вақт етишмаслиги ва бошқа сабаблар билан фикрини асослаб, унга қарши чиқади. Экспедиция аъзоси ана шундай ўйлаб-қувватлайдилар. Бу ерда ёлғиз Герасимовгина калла суяклари асосида ўзи кашф этган илмий усуллар ёрдамида портретлар яратиш мажмуини кенгайтириш фикрида бўлган.

* * *

Т. Н. Қори-Ниёзий «Ҳаёт мактаби» китобида археолог М. Массон 1925 йили Амир Темур қабрини магнит асосида тадқиқ қилганлиги тўғрисида ёзади. Маълумки, рангли ва рангсиз металлар парамагнит кўрсаткичига эга. Демак, хилхонага нафақат антропология нуқтаи назаридан, балки шу пайтгача бизга маълум бўлмаган бошқа нуқтаи назардан ҳам қизиқиш мавжуд бўлган. «Адабиётда Темурнинг жасади пўлатдан ясалган тобутга солиб кўмилган, деган фикр кенг ёйилган эди», — дейди Қори Ниёзий юқорида эслатилган китобида. Л. И. Альбаум эса «барча экспедиция аъзолари қабрда олтин, дуру жавоҳирлар бор деб ўйлаган эди», — деб айтди бизнинг учрашувимизда. **Лекин не тонгки, тобут қоқоғи очилганда унинг ичида бош Маккага қаратилган Соҳибқирон ҳоки, кафани, елкаси остидаги тупроқ ва мингтошдан бўлак ҳеч нарса бўлмаган.**

Магнит билан тадқиқот ишларини олиб борган таниқли инженер Б. Мауэр кейинчалик бу тажрибаларда хато бўлганлиги, афсуски, дастлабки нотўғри хулосалар матбуотга чиқиб кетганлигини айтади.

Магнит билан тадқиқ қилиш усули бирмунча содда. Қандай қилиб Б. Мауэр инженер бўла туриб бунчалик катта хатога йўл қўйганлиги бизга ноаниқ. Чунки, металлар ичида пўлат ва темирнинг парамагнит кўрсаткичлари энг юқори. Қабр ичида пўлат тобут бор деб тахмин қилиш учун эса Мауэр асбобининг параметрлари ҳам ниҳоятда юқори кўрсаткичга эга бўлиши керак. Қабрдаги тобут эса соф арчадан ясалган экан. Лекин бизга ким айта олади, лаҳадда 1925 йилда ҳам 1941 йилдаги каби арча тобутдан бўлак ҳеч нарса бўлмаган деб. Қолаверса, 25-йилдан 41-йилгача 16 йил ўтган. Б. Мауэр эса ўз хатосини тезда тузатмаган. Аксинча, 1941 йил экспедиция чоғида уйида касал бўлиб ётган.

Сир эмаски, шу пайтгача беҳисоб бойликларимиз Москва ва Ленинградга олиб кетилган. Ҳукумат томонидан Навоий бобомизнинг 500 йиллик тўйига атаб уюштирилган экспедиция ҳам фақатгина антропологик тадқиқотларни ўрганмоқчи бўлган экан деб айта олишимиз мумкинми? Бу ерда ҳукумат экспедициясидан илгарироқ, бирор бир шахсий экспедиция ўз ишларини тугалламаганлигига ким ҳам кафиллик бера олади?

* * *

Очилган барча қабрлардаги суяклар сояда қуритилиб, кимёвий мустаҳкамланганидан сўнг, улар тадқиқот ишлари учун олиб кетилади. Тўғри, экспедиция ишлари тарихий маълумотларга бироз аниқлик киритди. Масалан, Темур ўрта бўйли киши бўлган, деган фикрга бўйи бир метру олтмиш саккиз сантиметрлар атрофида бўлган деган, умрининг охирги дақиқаларига қадар баданининг қутини сақлай олган, бир оёғи оқсаса-да, уруш пайтида бу нуқсон унча сезилмас эди, деган фикрларни тасдиқлади ва ҳоказо. Аммо унинг ташқи кўринишини, яъни портретини тиклаш бугунга қадар ҳар хил тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда-ки, бу қабр очилишидан илгари ҳам мавжуд бўлган.

Темур шахсига ҳар ким ҳар хил ёндошган. Уни айримлар чиройли, бақувват, ажойиб бир инсон сифатида таърифлашса, баъзилар эса нақадар жирканч, хунук ва кўримсиз дейишган.

Ибн Арабшоҳ 1588 йил Дамашқ Темур томонидан босиб олингандан сўнг, 12 ёшида асирлар билан Самарқандга олиб келинган. Унинг бошидан кечирганлари, кўзи билан кўрганлари кейинчалик у томонидан битилган. «Темур ҳаётидаги тақдир ажойиботлари» китобига асос бўлган. Ибн Арабшоҳ Темурга нисбатан ўзининг ўта салбий муносабатига қарамасдан, Темурнинг ташкилотчилик қобилиятига, ҳарбий даҳолигига тан беради. Айни пайтда унинг ташқи кўринишига шундай чизгилар беради. «Темур бақувват, баланд бўйли, кенг пешона, калласи катта, овози кучли ва қудрати довюраклигидан қолишмасди, тоза қизиллик унинг оппоқ юзига руҳ бағишлаб турар эди. У кенг елкалик, бармоқлари семиз, оёқлари узун, мускуллари кучли эди. У узун соқол қўйиб юрар, ўнг қўли ва оёғи шикастланган. Унинг нигоҳи анча ёқимтой. У ўлимдан нафратланарди, ўлган пайти 80 га яқинлашган бўлса-да, баданининг қутини сақлай олган, жасурлигини йўқотмаганди. У ёлғоннинг душмани, ҳазил уни овунтиролмасди. У ўз олдида қароқчилик, қотиллик ва аёллар номусига тегиш кабилар тўғрисида гапиришга йўл қўймас, қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатни эшитишни афзал кўрарди.

Муваффақиятларнинг яхши ёки ёмонлиги унинг руҳий кайфиятига мутлоқ таъсир қилмас эди. Жасур аскарларнинг дўсти, ўзи ҳам матонатли, у ўзини ҳурмат қилишларига мажбур қила олар ва бўйсундира олар эди».

Темур ҳақида шу пайтгача кимки, нимаики ёзган бўлмасин барчаси ўз шахсий ёки ўзи вакил бўлган ўша бирор ижтимоий-сиёсий гуруҳ, жамият қарашларини битикларида ифода этишга ҳаракат қилган. Бунда ўз-ўзидан келиб чиқадиган бир ёқламалик мавжуддирки, унинг касридан машҳур тарихий асарларни ёзиб қолдирган Шарафиддин Али Яздий ҳам, Ибн Арабшоҳ ҳам, Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомийлар ҳам

холи эмас. Лекин бу манбаларда саноқсиз бебаҳо фактлар борки, уларни ўрганиб ўша замондаги муҳит ва жамият тўғрисида яхлит хулосалар қилса бўлади. Темур шахсига ва фаолиятига кўп роқ холис ёндошишга ҳаракат қилган тарихчи бу Кастилия қироли Генрих-III нинг элчиси Рьюи Гонзалес де Клавиходир. Клавихо ўз асарида Темурнинг портрет тузилишини келтирмайди. Лекин Сейистондаги урушда жароҳат олганлиги, умрининг охирги йилларида кўзларининг нури кетиб қолгани ва бошқа гапларни келтиради. Кейинги асрларда яшаб ўтган тарихчилар ҳам Соҳибқирон ҳаёти ва у яшаб ўтган давр воқеаларига бот-бот мурожаат қиладилар. Улар бор адабиётларда ва халқлар хотирасида яшаб келаётган афсоналардан фойдаланиб маълум хулосалар қилишга интиладилар. Л. Ланглэ, Х. Вамбери каби тарихчилар шулар жумласидан. Бироқ кейинги юз йил ичида Темур шахсига бир томонлама ёндашилиб, унинг кўзига қора кўзойнакдан қаралди. Херман Вамбери: «Бинобарин Темурни Чингиз билан бир қаторга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки маротаба хатодир», — деган эди.

* * *

Хўш, Темур қандай кўринишга эга бўлган?

Амир Темур қабри очилгандан кейин унинг калла суяги асосида М. Герасимов томонидан тикланган портретнинг ҳам нотўғрилиги шунданки, у Темурни даҳшатли ва ўта совуқ қилиб тасвирлашга ҳаракат қилган. Балким, бу биргина Герасимовнинг хатоси эмасдир. У яшаган давр ва жамият ўзи шундай бир жамият эдики, бошқача ёндошишнинг ўзи ҳам амримаҳол бўлган. Лекин ҳайкалтарош хатоси бунда ҳам эмас. Қаерда дейсизми?

Хўш, Герасимов ким ўзи? Аввало шуни билиб олайлик. Кейин...

Археолог, ҳайкалтарош антрополог, тарих фанлари доктори, Сталин мукофоти лауреати Михаил Михайлович Герасимов 1907 йил 15 сентябрда Петербургда туғилган. 1912 йил оила аъзолари билан Иркутскка кўчиб келади. Отаси врач бўлганлиги учун анатомиядан илк тушунчани ундан, унинг уйдаги китобларидан олади. Йигирманчи йилларда Иркутск ўлкашунослик музейи ходимлари мактаб ўқувчиларини ҳам археология ишларига жалб қилади. Шулар орасида Миша Герасимов ҳам бор эди. 15 ёшидан бошлаб Иркутск музейида ҳақиқий ходим сифатида ишлай бошлайди. У ўша пайтларда чизиш, ясашни яхши кўрарди. Бўш пайтларида ўликхонада соатлаб мурдаларни ёриб кўрарди.

1926/1927 йиллари у биринчи маротаба археология топилмалари ёрдамида портрет-ҳайкал яратади. 1928 йилда унга аллақандай баҳайбат суяклар кўрганини музейга келган бир киши хабар қилади. Герасимов ундан ўша жойга бошлаб боришини сўрайди. Шундай қилиб М. Герасимовни биринчи бор машҳур қилган «Мальта. Палеолит топилмалари» очилади. Музей ходимлари билан ўтказилган қазиш ишларидан сўнг мамонтлар суяклари, ҳар хил бошқа топилмалар ва аёл ҳайкалчалари топилади. Бу оламшумул воқеа эди. Бундай Давлат академиясининг (ТМЁДА) тарихий технологиялар лабораторияси ходими Н. П. Тихонов билан танишади. Шу йили кузда Н. П. Тихоновнинг жияни Т. Вандербелленга уйланиб, Тихоновнинг маслаҳати билан зудликда у ишлаётган институт аспирантурасига ҳужжатларини топширади ва Ленинградга кўчиб ўтади. Орадан бир йил ўтмаёқ аспирантура тарқатиб юборилади ва шундан сўнг у олаётган билим чалалигича қолиб кетади. Лекин М. Герасимов ўз устида кўп ишлайди, билимини оширади. Аспирантурадаги муваффақиятсизликдан сўнг, шу институтнинг полеолит бўлимига кичик илмий ходим вазифасига ишга ўтади. Лекин унинг Ленинграддаги ҳаёти қийин кечади. Шу орада Эрмитажда таъмирлаш-техник бўлимида ҳам ишлайди. 1937 йилда эса тарихий маданий ёдгорликлар институти катта илмий ходими лавозимига ўтгандан сўнг бош суяк асосида юз кўринишларни қайта тиклаш ишларига муккасидан кетади. Ўша даврда бу соҳа деярли очилмаган қўриқ эди. У қатор тажрибалар ўтказади ва илмий доираларда ҳам тилга туша бошлайди. Лекин унинг илмий услуби кўпчилик томонидан тан олинмайди.

Герасимовга унинг эски танишлари ҳам яқиндан ёрдам беради. Бир пайтлар Иркутск тиббиёт институтида кафедра мудири бўлган, кейинчалик Москва 3-тиббиёт институтининг суд тиббиёти профессори А. Д. Григорьев шулар жумласидан. Тез орада Герасимов Киев ва Владимир князлари сиймоларини тиклайди. 1941 йил бошларида Тошкентда барчамизга маълум бўлган темурийлар қабрларини очиш ғояси давлат комиссияси тузилади. Кўпчилик адабиётларда темурийлар қабрини очиш ғояси Навоий юбилейини ўтказиш қўмитаси ташаббуси билан юзага келди, деб айтилган. Лекин бу гапларнинг қай даражада ҳақиқатга яқинлигига Л. Н. Успенский ва К. Н. Шнейдернинг «Етти муҳр орқасида» номли археологияга оид очерклари китоби маълум даражада аниқлик кирита олади. Унда ёзилишича, «Пионерская правда» газетасида М. Герасимов ҳақида чиққан мақола сабаб бўлиб, Тошкентдаги эски таниш-билиш ундаги фикрни юқорига ташкилотларга олиб чиқади. Маслаҳатлашиб, унинг ғояси амалга ошишига йўл очиб беради.

Газетадаги мақола ёш мухбир томонидан ёзилган бўлиб, бу мақолада М. Герасимов ишлари тўғрисида хабар берилган, «Энди М. М. Герасимов буюк Темур сиймосини тиклаш орзусида» деб айтилган эди. М. Герасимов унчалик машҳур бўлмаганлиги учун матбуотда у тўғрисида камдан-кам мақола чиқар эди. Лекин бизнинг ўша пайтдаги 37-йил «иситмалари» ёдидан чиқмаган республикамиз раҳбарларига биргина «Пионерская правда»даги шаъма ҳам етарли эди. Шундай қилиб, М. Герасимовни Тошкентга таклиф қилиб телеграмма жўнатилади.

Албатта, Ўзбекистон ҳукумати ва илмий доиралари М. Герасимовнинг муваффақиятлари қай даражада эканлигидан бехабар эди. Темурийлар хилхонасини тадқиқ қилиш давлат қўмитаси ўз ишини ўша машъум 1941 йилнинг июнь ойида бошлайди. Темурийларнинг қатор портретлари яратилади. Лекин бу портретлар ҳар хил тортишувларга сабаб бўлса-да, шу бугунги кунда асос сифатида унинг асарларига таянилади. Бунга бир жиҳатдан М. Герасимовнинг машҳур бўлиб кетиши сабаб бўлса, иккинчи жиҳатдан унинг услубларидаги хаталарини ҳеч ким исботлаб кўрсатмаганлигида. Лекин худди ўша М. Герасимов темурийлар портретлари устида иш олиб бораётган бир пайтда, аниқроғи, 1941 йилнинг 18 октябрида СССР Олий суди жиноят ишлари суд ҳайъати Герасимов услубининг шахснинг ташқи кўринишини аниқлаш ишларида қўлланилиши юзасидан № 2013/35—41 п 8. хулосасида қуйидагича баҳо беради: «Калла суяги асосида юзни тиклаш фақат санъат деб, бадиий асар сифатида баҳоланиши мумкин, лекин техник экспертиза сифатида қўлланилиши мумкин эмас».

Бу баҳо М. Герасимов ишларига берилган тўғри баҳо эди. Бу салбий хулоса кейинчалик ҳам унинг ишларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бироқ, қайта тикланган Темур, Шоҳруҳ ва Улуғбек сиймоларининг кўриги ва қабул қилиб олиш юзасидан 1941 йил 9 декабрда бўлиб ўтган комиссия мажлиси бироз сокин руҳда ўтди.

Мажлисда Москва ва Ленинграддан келиб қатнашишган академиклар — тарихчи В. В. Струве, тарихчи ва археолог Ю. В. Готье, тарихчи ва жамоат арбоби Б. Д. Греков М. Герасимов ва унинг ишлари тўғрисида яхши фикр билдиришди. Бу фикрлар албатта, мажлис аҳлига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам М. Герасимовнинг муваффақиятлари устида тўхталишди. Массон экспедиция ишларини уюштириш ва Герасимовни таклиф қилишнинг ташаббускори бўлганлиги ҳам айтиб ўтилади. Фақатгина ҳайкалтарош Кучис портретларнинг бироз бадиий жиҳатдан қуруқлигини, рассом Татевосьян Шоҳруҳ ва Темур образидаги катта фарқларни, яъни ташқи кўринишдаги ирсий ўхшашликлар камлигига шубҳа билан қарашлигини айтиб ўтади. Темур соқолини ва дубулғасини ўзгартириш лозим, дейди. Қулоғи ҳам унинг қулоғи эмасдек, деб гапиради.

Мажлисда иштирок этган бошқалар калла суяклари асосида киши юз кўринишини тиклаш янги соҳа эканини эътироф этган ҳолда, Герасимов таклиф этган типик образларни темурийлар сиймолари тарзида қабул қиладилар.

М. Герасимов портретларни яратишда кранометрик нуқталарга асосланади. У нуқталар калла суягининг маълум жойларида юмшоқ қатламнинг баландлик ўлчамларини белгилайди. Лекин бу илм етарли такомил топмаганлиги сабабли қатор хатоларга йўл қўяди. Масалан: бурун суягининг охирида 4,5 мм. (ҳисоботда 3 мм. дейилган), бурун таги зирапчасимон ўсимта суяги ёнида 1 мм. баландликда юмшоқ тери қатламини қўяди. Лекин бурун суяги охирида одамларда юмшоқ қатлам 1—1,5 мм.лардан ошмайди. Зирапчасимон ўсимта ёнида эса 3-4 мм атрофида бўлади Бу ўлчамлардан биринчиси кўз, бурун пластик тузилишига катта таъсир кўрсатса, иккинчиси бурун ва оғиз тузилишларини бутунлай ўзгартириб юборади. Бундай ўзгаришлар бурун жойлашишини юзга нисбатан пачоқ қилиб кўрсатишдан ташқари, лабларни қаварик, дўрдоқ қилиб қўяди.

Албатта бу мақолада Герасимов тиклаган портретнинг бутун хатоларини таҳлил қилиб ўтирмоқчи эмасмиз, фақат буюк жаҳонгир ва бобокалонимиз Амир Темур портретининг нотўғри тикланганлигини айтиб ўтмоқчимиз, холос.

Паскаль Клеопатра ҳақида гапирганида минг бора ҳақ бўлган, Шу маънода бизлар ҳам Темур сиймосини тиклаш тарихимизни тиклаш билан баробар эканлигини унутмайлик. Яна бир ҳақиқат бор: «Темур Клеопатра эмас, унинг сиймоси ҳақиқий соҳибқиронга монанд бўлиши керак».

Баҳриддин ПАРДАЕВ,
Тошкент Давлат техника университетининг ўқитувчиси.

(Муаллиф Самарқанддаги Республика археология институти ходимларига барча кўрсатган ёрдамлари учун газета орқали миннатдорчилик изҳор қилади).

Ниҳоят, мусаввир Малик НАБИЕВ улуғ бобомизнинг кўпдан бери орзу қилинган сиймосини яратди. Энди ҳаммамиз турли даврларда чизилган суратларни эмас, мана шу суратни қанча эъзозласак арзийди.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ҲУКМ ТАН ОЛИНДИ

Шанхай вилоят суди Америка Қўшма Штатларидан металл олиб келаётган Россия юк кемасига рухсатсиз бандаргоҳга киргани учун жарима солди.

«Чайна Дейли» газетасининг хабар беришича, жариманинг миқдори 40 минг юан (4 минг 600 доллар) қилиб белгиланди. Россияга қарашли кема капитани кечирим сўради ва суд чиқарган ҳукмни тан олди.

ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинланган Строуб Тэлботт ўзининг биринчи расмий ташрифини Ҳиндистондан бошлади.

Бу ташриф Америка Қўшма Штатлари билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар бироз кескинлашган вақтда ўтмоқда. Строуб Тэлботт Ҳиндистон раҳбарияти билан ўзаро манфаатли муносабатлар ва ядро муаммоси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади, деб хабар беради «Вашингтон пост» газетаси.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Сальвадор олий сайлов трибунали президентлик сайловининг иккинчи босқичи шу йилнинг 24 апрелига белгиланганини расмий равишда эълон қилди.

Сайловнинг иккинчи босқичида икки номзод — Миллий Республика Иттифоқи партиясининг раҳбари Армандо Кальдерон ва сўл кучлар иттифоқи раиси Рубен Самор президентлик учун курашадилар.

БМТ МУРОЖААТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, тожик қочқинлари ва ўз яшаш жойларидан мажбуран кўчган кишиларга фавқулодда ёрдам кўрсатиш учун 38 миллион доллар йиғишни сўради.

Тожикистонда ички вазият барқарорлашиб қолганига қарамай, мамлакат бир қанча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга дуч келмоқда, дейилади мурожаатда.

ПРЕЗИДЕНТЛАР — ФАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

Руанда Президенти Жювеналь Хабиаримана ва Бурундн мамлакати Президенти Сиприен Нтарьямира авиация фалокати оқибатида ҳалок бўлишди.

Ҳар икки мамлакат Президенти Танзанияда бўлиб, Бурундидаги вазиятни барқарорлаштиришга доир кўп томонлама музокараларда иштирок этган эдилар. Самолётдаги барча йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳалок бўлишган. Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

КАЛИФОРНИЯДА ЗИЛЗИЛА

Калифорния штатининг жанубида Рихтер шкаласи бўйича 4,8 балл куч билан ер қимирлади.

Зилзила оқибатлари ҳақида маълумотлар ҳали олингани йўқ.

ЛОЙИҲА САЛБИЙ БАҲОЛАНДИ

Япония иқтисодий ташкилотлар федерацияси аъзоларининг 75 фоизи «1994 йилнинг охиригача Япония иқтисодиётини тангликдан чиқариш» лойиҳасига салбий муносабат билдирмоқда.

Мазкур лойиҳада кўрсатилаётган чора-тадбирлар ўн уч ойдан буён тобора кучайиб бораётган иқтисодий тангликни бартараф этишга қодир эмас, дейишмоқда улар.

САЙЁҲЛАР СОНИ КУПАЙМОҚДА

Ҳиндистонга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони ой сайин ортиб бормоқда.

Шу йилнинг февраль ойида мамлакатда 160 минг 625 хорижий сайёҳ келгани қайд этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 минг кишига кўпдир. Шарқ таомлари ва Ҳиндистоннинг гўзал масканларини томоша қилишни хоҳловчилар мамлакат хазинасига ҳар йили 4,3 миллиард рупий (140 миллион доллар) бойлик келтирмоқда, деб хабар беради Ҳиндистон ахборот маҳкамаси.

ОИЛАВИЙ ЖАНЖАЛЛАР ОҚИБАТИ

БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, ҳозир Хитойда 200 мингга яқин етим бола бор.

Мавжуд етимларнинг 38 фоизини ота-оналар ажралишганларидан кейин кўчага ташлаб кетишган. 23 фоизи оилавий жанжаллардан қочиб уйдан кетиб қолган.

ЭКОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ

Германия Федератив Республикасида махсус экологик маълумотлар банки ташкил этилмоқда.

Банкнинг муассиси Шимолий Германия савдо-саноат палатаси бўлиб, у ана шу минтақада экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва инсон ҳаёти учун хавфли чиқитларни зарарсизлантирадиган корхоналардан маълумотлар йиғади. Шунингдек, банк корхоналар раҳбарлари ва коммунал хизмат вакиллари учун маълумотнома тайёрлайди. Бу тадбир экологик лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳамкор топишда қўл келади.

«КОМПЬЮТЕР ҚАРОҚЧИЛАРИ» ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Чехия полициясн Прага шаҳрида жойлашган «Диалог — агро» фирмасидаги «компьютер қароқчиларнн» қўлга олди.

Гап шундаки, бу фирма компьютер дастурларини қароқчиларча кўчириб олиш ва сотиш билан шуғулланганликда айбланмоқда. Шарқий Европада биринчи марта содир бўлаётган бу воқеа иштирокчилари асосан малакали мутахассислардир, Чехия Республикаси компьютер «қароқчилиги» туфайли ҳар йили 5,5 миллиард крон (ўртача 185 миллион доллар) зарар кўрмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 11. IV

● ЎзТВ I

17.45 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.00 Футбол бўйича «Тошкент турнири» Халқаро мусобақаларининг очилиши. 18.30 Мусиқий дақиқалар. 18.55 Эълонлар. 19.00 Футбол бўйича Халқаро турнир. Ўзбекистон — Туркманистон терма командалари. Танаффус пайтида (19.45 — «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Ватанни севмоқ иймондандир...» 22.10 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди. 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.20 ЎзТВ хазинасидан. Хайриддин Султонов. «Чангак». Видеофильм. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.45 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 20.00 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм. 20.15 «Билиб қўйган яхши». 20.35 «У «Гиря»ни севарди». Фильм-концерт. 21.05 «Қўзиқоринлардан эҳтиёт бўлинг!» 21.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 22.05 «Тергов практикасидан бир ҳодиса». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Душанба куни детектив. «Олий чегара». Бадиий фильм (Овросиё ТВ). 21.40 Криминал хабарлар экрани.

21.50—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Кохановкалик артист». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.50 «Гол». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 22-серия. 18.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Спорт уик-энди». 20.45 Пешонангдагини кўрасан». Ю. Соломин. 21.40 Хоккей, ХХЛ кубоги. Ярим финал. 23.40 Янгиликлар.

Сешанба, 12. IV

● ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Қонот гражданлари». Бадиий фильм. 10.05 Осиё ўйинлари олдидан. Бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 Космонавтика кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 11.50 «Маърифат маскани». 12.00 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 12.40 Ўзбек тилини ўрганамиз. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича Халқаро турнир. Тожикистон — Қозоғистон терма командалари. 2-тайм. 17.45 «Наққош». Телефильм. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Садо». 18.40 «Фаровонлик калити». 19.10 Теннис. Президент кубоги учун Халқаро турнир олдидан. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Дутор ва танбур тароналари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ёшлар ижоди». Гавҳар Зоирова ва Оллошукур Қурбонназаровлар куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Шаҳар бедарвоза эмас...» 22.05 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм. 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 20.30 «Иқтисодий тараққиёт йўлида». 20.55 «Мусиқали меҳмонхона».

«ОМАД» таништиради:
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 Эълонлар. 9.40 «Видео—О». 11.20 Эълонлар. 11.25 «Курьер». 11.40 «Ҳар соҳадан бир шингил». 11.50 Эълонлар. 11.55 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 12.40 «Даракчи». 12.50 «Юлдузлар жилоси». 13.10 Эълонлар. 13.20 «Видео—О».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 303-серия. 20.45 Спорт кўрсатуви. 20.55 «Жуда оддий».

21.50—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Махсус эътибордаги зонада». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.45 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»). 1-серия. 18.45 «Протокол сатрларида». 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Бомонд». 20.45 «Тилла шлягер». 21.30 Режиссёр Л. Пчелкин фильмларининг ретроспектив намойиши. «Иш» («Союзтелефильм»). 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Матбуот-экспресс».

Чоршанба, 13. IV

● ЎзТВ I

7.00 — 9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.15 «Усмирлар қоинотда». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Газларда электр токи. Плазма ва унинг қўлланилиши. 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 Инглиз тили. 11.45 «Шижоат». Сурхондарё вилояти ёшлари ҳаётидан. 12.10 «Алифбо сабоқлари». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ижод фидойиси». Кибриё Қаҳҳорова таваллудининг 80 йиллигига. 18.50 «Мўл ҳосил учун». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Наманган сеҳргарлари». Телефильм. 20.45 «Санъат кошонаси». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Кафолат». 21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 22.50 Футбол бўйича Халқаро турнир. Ўзбекистон — Қозоғистон терма командалари. 2-тайм (ёзиб олинган). 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Иншо». Болалар учун фильм. 20.15 «Спринт». 20.40 «Севикли аёл портрети». Телефильм. 21.20 «Олтин мина». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 «Ҳеч ким унутилмайди». 19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 304-серия. 20.50 «Сарҳадлар». 21.05 «Кутиш зали».

22.00—22.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.50 «Браслет—2». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.50 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 18.50 «Никита Хрушчевнинг рус рулеткаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Санъат қасри». 21.10 «Ким Трускавецга боради?». Телевизион бадиий фильм. 22.30 «МТV». 23.00 Янгиликлар.

Пайшанба, 14. IV

● ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Оролчадаги саргузаштлар». Бадиий фильм. 10.05 Болалар учун. «Яхшиларга эргашиб». 10.25 Лотин алифбоси. 10.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.10 «Ижтимоий ҳимоя мезони». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун» Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Таълим ва ислоҳот». 18.40 «Айём нафаси». «Ўзбектелефильм» премьераси. 18.50 «Тежамкорлик — нақд бойлик». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Кашф этилаётган имкониятлар». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Муборак Ҳаж тараддуди». 21.40 «Мусиқий чойхона». 22.40 «Пушаймон». Бадиий фильм. 23.55 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Тўмарис». Фильм-балет. 20.55 «Зиё маскани».

«ОМАД» таништиради:
21.35 «Танишайлик: «Вольфсон Шарқ Интерпрайзис» қўшма корхонаси. 21.55 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 305-серия. 20.45 «Маърифат мевалари».

21.30—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Кўприклар ажралганда». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.50 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 18.50 «Никита Хрушчевнинг рус рулеткаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 2-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Француз режиссёри П. Ўнэль фильмлари таништирилади. 20.45 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Кундузги соҳибжамол». Бадиий фильм (Франция — Италия). 22.35 «Матбуот-экспресс». 22.45 «Академия». Дам олиш кўрсатуви. 23.10 Янгиликлар. 23.45 Футбол. Чемпионлар лигаси.

Жума, 15. IV

● ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Огинский полонези». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Туёқли ҳайвонлар. 11.00 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм. 11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Олимпиада масалаларини ечиш усуллари. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Меҳр». Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси фаолиятидан. 18.35 «Инсон ва қонун» почтасидан. 19.05 «Рақслар гулдастаси». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Халқаро шарҳловчилар давраси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Навойихонлик». Адабий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 Бевосита мулоқот. 22.20 Марьям Сатторова куйлайди. 23.05 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.25 Футбол бўйича Халқаро турнир. Қозоғистон — Туркманистон терма командалари. 2-тайм (ёзиб олинган). 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 «Бумеранг». Экология ҳақида. 20.35 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Орадан қанча йиллар ўтиб кетди». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Телеэкранда — премьера. «Миллионлар учун ўйин». Бадиий фильм.

21.30 — 22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Кобра» операцияси». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.40 «Инсон ва қонун». 18.15 «Америка М. Таратута билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Детективлар клуби»да. «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Ждановская кўчасидаги қотиллик». Бадиий фильм («Пирамида, «Ладья» студиялари ҳамда М. Горький номли киностудия). 22.00 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 22.20 «Обана». 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Матбуот-экспресс» 23.45 «Музобоз».

Шанба, 16. IV

● ЎзТВ I

7.00 — 9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.15 «Кекса санъаткорлар». Жалолиддин Холиқов. 9.55 «Бир фильм тавсифи». «Тангалик болалар» фильми ижодкорлари билан учрашув. 11.45 «Ўзбекистон спорти». 12.05 «Иқтисодимиз таянчлари». 12.40 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон!» 13.45 «Театр: Шарқ — Ғарб». «Ўзбектелефильм премьераси. 14.15 «Илҳом чашмалари». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 18.40 «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм. 18.50 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим». 19.25 «Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Биз очиқ жамоа». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Санъатимиз фидойилари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокиржон Султонов. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 Комилжон Отаниёзов номидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг мусиқий томошаси. 22.00 «Театр учрашувлари». 23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.45 Болалар учун. «Табассум». 20.25 «Кафтдаги қуёш». Телефильм. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.20 «Соколово». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.20 «Дунё эшиги». 13.00 «Сиёсий портретига чизгилар». Ли Пэн. 13.20 «Си-Эн-Эи» янгиликлари (инглиз тилида). 13.35 «Дидар» (қозоқ тилида). 14.20 «Яхши ниятлар билан». Исроилнинг миллий байрамига. 14.55 «Би-Си-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 15.10 «Мусиқий палитра». «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари» камер оркестри билан учрашув. 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00 — 19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Киномарафон. «Квартал ҳисоботи». Бадиий фильм. «Номлар» туркумидан. Режиссёр К. Занусси. 21.15 «А» программаси.

22.15 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Омадсизлар». Қисқа метражли бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 Рукн премьераси. Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради. 18.50 «Коламбия пиктчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Коламбия пиктчерс» таништиради: «Эҳтирос гули». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 Э. Колмановскийнинг муаллифлик кечаси. 22.35 «Матбуот-экспресс». 22.45 Катталар учун мультфильмлар. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Астролябия».

Якшанба, 17. IV

● ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Куйла, дуторим». Телефильм. 9.25 «Ҳуқуқ сабоқлари». 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 62-63-сериялар. 12.00 Цирк! Цирк! Цирк! 12.50 «Қишлоқ ҳаёти». Мусиқий-публицистик кўрсатув. 13.50 Ҳаваскор талаба ёшлар ижоди кўрик-танловининг якуний концерти. 14.30 «Хайрли касб эгалари». 15.10 «Учрашув». Адабий кўрсатув. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм. 18.20 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари». 18.55 «Кўклам туйғулари». Маърифий-публицистик кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Барҳаёт наволар». Одил Ҳофиз. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Ойнаи жаҳонда. 21.50 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.25 Футбол бўйича Халқаро турнир. Ўзбекистон — Тожикистон терма командалари. 2-тайм (ёзиб олинган).

● ЎзТВ II
«Омад» таништиради:

17.00 «Мультфейерверк». 17.30 «Курьер». 17.45 «Типтоп». 17.55 «Ҳар соҳадан бир шингил». 18.05 «Совға». 18.35 «Даракчи». 18.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 19.05 «Эълонлар». 19.10 «Видео-О». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Курьер». 21.10 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 21.30 Эълонлар. 21.35 «Видео-О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.35 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари». Ўзбекистон Жанубий Қурия. 13.15 «Би-Си-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.30. «Дунё ва биз». Француз қаршилик ҳаракатида иштирок этган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида. 14.00 «Дилга яқин қўшиқлар». «Дурдашен» телекомпаниясининг мусиқий кўрсатуви (Ҳиндистон). 14.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари. (инглиз тилида). 14.45 «Мусиқа маданияти хазинасидан». 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Театр сафари. «Икки юз йилдан сўнг» (4 апрелдаги кўрсатув такрорланади). 20.10 «Эй-Би-Си» билан якшанба оқшоми. «Фламинго»лик йигит».

21.55 — 22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Аршин мол-олан». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Бир севги тарихи». Телефильм. 18.10 Эдди Рознернинг олтин карнайи. 19.00 «КВН-94». 1/8 финал. 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.50 «Большой театр. Кундуз кунлари ва оқшомлари». 22.45 «Авто-шоу». 23.00 Янгиликлар. 23.15 «Катта сайр».

● *Спорт*

ТОШКЕНТДА КАТТА ФУТБОЛ

11-19 апрель кунлари Тошкентда халқаро футбол турнири ўтказилади. Унда Марказий Осиё мамлакатлари — Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари иштирок этади.

Бундай йирик мусобақанинг айнан Тошкентда ўтказилиши рамзий маънога эга. Тили, урф-одатлари бир бўлган қардош халқлар спортчиларининг Тошкентга келиши, шубҳасиз қўшни мамлакатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Турнир учрашувлари «Пахтакор» ва МҲСК стадионларида ўтказилади. Республика футбол федерацияси бош котиби С. Эшмуҳаммедов журналистларга мазкур турнирга тайёргарлик ҳақида маълумот берди. Барча ташкилий ишлар ниҳоясига етган. Стадионлар таъмирланиб, атрофлари ободонлаштирилди. Турнир иштирокчиларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қардош спортчиларнинг асосий қароргоҳи бўлади. Шунингдек, бу ерда матбуот маркази жойлашади.

Энди икки оғиз сўз миллий терма жамоамиз хусусида. Ўзбекистонликлар 8 апрелдан тайёргарликни бошлашди. Терма жамоа кучли ўйинчилар билан тўлдирилган. Игорь Шквирин ва Азамат Абдураимовларнинг турнирда қатнашиши кутилмоқда. Шквирин Исроилдан, А. Абдураимов эса Малайзиядан келади. Қисқаси Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тўлиқ таркиби турнир очилиш куни маълум бўлади.

Эътиборингизга Тошкент футбол турнирининг жадвалини ҳавола қиламиз.

11 апрель. Ўзбекистон — Туркманистон, Тожикистон — Қозоғистон

13 апрель. Туркманистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Қозоғистон

15 апрель. Қозоғистон — Туркманистон, Тожикистон — Қирғизистон

17 апрель. Ўзбекистон — Тожикистон, Қозоғистон — Қирғизистон

19 апрель. Ўзбекистон — Қирғизистон, Туркманистон — Тожикистон.

Футбол бўйича халқаро Тошкент турнирига йигирмадан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ғолиблар ва энг яхши футболчиларга атаб қатор соврину мукофотлар тайёрланди. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон пойтахти катта футбол байрами арафасида турибди.

Равшан ШОДИЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ISC
ИНВЕСТИЦИОННАЯ КОМПАНИЯ
ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ

ISC ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ
УЧ ЙИЛДА 15-30 БАРАВАР ОШИРИШ УЧУН

ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИБ БЕРАДИ
ISC – биринчи талаб бўйича 24 соат ичида омонатларингизни ҳисоблаб, қайтариб бериш кафолатидир
БИЗ БИЛАН КЕЛАЖАККА ҚАДАМ ТАШЛАНГИЗ

Сизни қуйидаги манзилгоҳ бўйича агентликларда кутамиз:
Матбуотчилар (собиқ Ленинградская) кўч.,32
«Шарқ» кафеси ёнида
Анхор бўйи 8, Урда бекати, шаҳар ОВИРи ёнида
115-алока бўлими, Чилонзор савдо маркази ёнида
Тошкент Бошпочтамти;
тел.:32-56-92; 41-20-24
Омонатни қўйиш энг оз миқдори –5000 сўм.
Шартнома тузиш учун ёнингизда паспорт бўлиши шарт.

ҚУТЛОВ

Азиз падари бузрукворимиз ва устозимиз

ОЛИМОВ Исоқжон Исмонлжон ўғли

Сизни 10 апрель куни қутлуғ 62 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин юракдан табриклаймиз!

Умрингизнинг 42 йилдан ортиғини ҳалол, пок ишлаб, эл-юрт хизматига бахшида этдингиз. Қанчадан-қанча шогирдлар етиштирдингиз, улар Сиздан доимо миннатдордирлар. Чорак аср Чилонзор район умумий овқатланиш трестига раҳбарлик қилиб, бир қанча савдо расталарини, умумий овқатланиш корхоналарини ўзбек миллий анъаналарига мос ҳолда қуриб, ишга туширишга катта ҳисса қўшдингиз. 21 йилдан кўпроқ Чилонзор район Кенгаши ноиби ва район партия қўмитаси аъзоси сифатида фаолият кўрсатдингиз Ҳизматларингиз бир қанча давлат мукофотлари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Ҳозир эса меҳнат фахрийси бўлиб, меҳрибон онамиз Башоратхон ая билан биргаликда ҳаммамизга меҳрибон ота ва устоз бўлиб, қарилик гаштини суриб юрибсиз. Бахтимизга Башоратхон онамиз билан бирга доимо соғ-саломат бўлиб, кўп йиллар умр кўриб юрингизлар.

Опангиз — ҲАБИБАХОН, акангиз — БУРИБОЙ, укангиз — ВАЛИХОН, ўғилларингиз — ИСЛОМЖОН, АБРОРЖОН, ОЛИМЖОН, қизларингиз — ВАСИЛА, МОВЛУДА, ДИЛОРОМ, куёвларингиз — ҒОФИРЖОН, СОБИРЖОН, БАХТИЁРЖОН, АҲАТЖОН, ФАЙЗУЛЛО, ҲОЖИМУРОД, келинларингиз — МАҲФУЗАХОН, ГУЛНОЗАХОН, НАРГИЗАХОН, СВЕТЛАНАХОН, шогирдларингиз — ОМОНУЛЛО ҳожи, РАҲИМЖОН, МАҲКАМ, РАВШАН, МИРХАЛИЛ, ЗЕБО, МАҲАМАТСОЛИҲ, ОРИФЖОН, СОИБЖОН, ОЛИМЖОН.

● Yamaha, "PSR-SQ-16", "PSR 510", "RSR 500", "RSR 400", "RSR 500", "RSR 400", Yamaha, Roland, Alesis ритм компьютери, "Fostecs - X 28 H" портостудияси, "Электроника 01", "Электроника 04" пульти, "Yamaha RGX 321 соло" гитараси, янги, "Cid star 4" сологитараси

СОТИЛАДИ.
Телефонлар: 65-28-68, 67-75-33.

● Кондиционер - 2100. "Панасоник" тўла автоматлашган фотоаппарати, арзон, лазерли "Саньо" проигриватели дисклар билан биргаликда

СОТИЛАДИ
Телефонлар: 65-28-68, 65-75-33.

«ЎЗБЕГИМ — ЭДЕМ»
ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ ҚЎШМА ҚОРХОНАСИ

1994 йилнинг 10 апрелидан 20 апрелигача Жиззах шаҳрида юмшоқ мебеллар (уй ва ишхона) кўргазмасини ўтказади. Корхоналар, ташкилотлар пул ўтказиш, нақд пул тўлаш ёки маҳсулот айирбошлаш (бартер) йўли билан харид қилишлари мумкин.

Кўргазмадан сўнг мебелларнинг кимошди савдоси ўтказилади.

Ҳурматли харидорлар, ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Жиззах шаҳри, Роваллиқ маҳалласи, Ҳ. Олимжон номли санъат саройи (клуб).

ТЕЛЕФОН: 3-40-04.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Марказий Кенгаш бўлим бошлиғи Комилжон Жуманиёзовга падари бузруквори

Абдулла ЖУМАНИЁЗОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика «Баққоллик» акционерлик бирлашмаси ва Тошкент «Баққоллик» акционерлик жамияти жамоалари Тошкент «Баққоллик» акционерлик жамияти раиси Қобул Ҳамидович Зоировга онаси

Инобат ая МИРАКБАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қомуслар Бош таҳририяти жамоаси таҳририят етакчи муҳаррири М. Ашировага акаси

Ортиғмат МИРЗАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент Таймс» фирмаси жамоаси Тошкент «Баққоллик» акционерлик жамияти раиси Қ. Ҳ. Зоировга онаси

Инобат ая МИРАКБАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Телевизион маркази жамоаси Сандакмал ва Сандабзал Расуловларга оталари

Сандазим Сандмалик ўғли РАСУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдуғафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—890 тир. 85501. топширилди—01.00.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6.